Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

# Марказий банк асосий ставкаси 1 фоиз бандга пасайтирилиб, йиллик 14 фоиз даражасида белгиланди

## Матбуот анжумани

2020 йил 10 сентябрь



# Инфляция прогнози

*йиллик кўрсаткич, фоизда*



# Инфляция




- 2020 йил августда йиллик инфляция даражаси **11,6 фоизга** тенг бўлди;
- Инфляция даражаси ўзининг **прогноз кўрсаткичидан** паст бўлмоқда.

# 2020 йилнинг ўтган 8 ойида инфляцияни пасайтирувчи асосий омиллар

- тартибга солинадиган нархларнинг **ўзгаришсиз** қолганлиги;
- **карантин чекловларининг** ички талабга ҳамда аҳоли даромадлари ва бандлик даражасига пасайтирувчи таъсири;
- мева-сабзавотлар нархларининг **мавсумий** пасайиши;
- иқтисодиётга **кредит қўйилмаларининг** ўтган йилга нисбатан секинроқ суръатларда ўсганлиги;
- **валюта курсининг** апрель ойидаги девальвациясидан сўнг, кейинги ойларда барқарорлашуви.

# Инфляциянинг асосий компонентлари

*йиллик кўрсаткич, фоизда*



## *Келгуси 12 ой учун инфляцион кутилмалар*

*фоизда*




## *Аҳоли томонидан қайд этилган келгусида нархлар ошишига таъсир этувчи омиллар*

*респондентлар улуши, фоизда*



# Банклараро пул бозори фоиз ставкалари




- Ўртачалаш коэффициентининг **75 фоизгача** оширилиши ва пул-кредит операцияларидан фаол фойдаланиш ҳисобига **июль-август** ойларида пул бозорида **фоиз ставкаларнинг сезиларли пасайиши** кузатилди;
- Иқтисодиётда мақбул фоиз ставкаларининг шакллана бошлаши талаб томонидан пул бозори фоиз ставкалари пасайишига таъсир ўтказди.

# Банклараро пул бозори




- **14 кунгача** бўлган депозитлар фоиз ставкаси сўнгги 2 ойда деярли тўлиқ фоиз коридори доирасида бўлди;
- **Узоқроқ муддатли** депозитлар бўйича фоиз ставкаларда ҳам сезиларли пасайиш кузатилди.

## Депозитлар бўйича номинал фоиз ставкалар




## Депозитлар бўйича реал фоиз ставкалар




- Иқтисодиётда **нисбатан қатъий** пул-кредит шароитлари сақланиб қолмоқда. Муддатли депозитлар бўйича **ижобий реал фоиз ставкалар** шаклланмоқда. Мақбул фоиз сиёсати таъсирида **июль ойида** номинал ва реал фоиз ставкаларнинг сезиларли пасайиши кузатилди.
- Миллий валютадаги юридик шахслар депозитлари бўйича фоиз ставкалар **15,2 фоизгача**, жисмоний шахсларники бўйича эса **18 фоизгача** пасайди.

# 2020 йил январь-август давомида депозитлар ўсиши

| Кўрсаткичлар | 8 ойлик ўсиши | |
|---|---|---|
| | трлн. сўм | фоизда |
| Пул массаси: | **14,1** | **15,5%** |
| Муомаладаги нақд пуллар | **5,0** | **20,7%** |
| **Жами депозитлар:** | **9,1** | **13,6%** |

# Кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалар







- Юридик шахслар кредитлари бўйича фоиз ставкалар йил бошидаги **24,3 фоиздан 19,5 фоизгача**, жисмоний шахслар кредитлари бўйича эса йил бошида **28,1 фоиздан 22,3 фоизгача** пасайди.
- Кредитлар бўйича фоиз ставкаларнинг пасайиши билан кредитлар ўсиш суръатида сезиларли ўзгариш кузатилмаганлиги пандемия даврида **тадбиркорлик фаоллигининг пасайиши** ҳамда **аҳоли томонидан харажатларнинг оптималлаштирилиши** билан боғлиқ.

# 2020 йил январь-август давомида кредит қўйилмалар ўзгариши

| Кўрсаткичлар | 8 ойлик ўзгариши | |
|---|---|---|
| | трлн. сўм | фоиз |
| Иқтисодиётга кредит қўйилмалари, жами: | **50,7** | **24,4%** |
| Жисмоний шахсларга: | **10,0** | **25,3%** |
| Юридик шахсларга: | **40,7** | **24,0%** |

# Трансчегаравий пул ўтказмалари *(млн. долл.)*




- 2020 йилнинг 8 ойи давомида мамлакатимизга трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми **3,7 млрд.** долларни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **209 млн.** долларга ёки **5,4 фоизга** қисқарди.

# *Республика бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми* (трлн. сўм)



# Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари

***Банк кассаларига савдо ва пуллик хизматлардан нақд пул тушумлари***
*(трлн.сўм)*




***Тўлов терминаллари орқали савдо ва пуллик хизматлар тушумлари***
*(трлн. сўм)*



# Пандемиянинг иқтисодий таъсирлари

| № | Кўрсаткичлар | Миқдори |
|---|---|---|
| 1. | Пул тушумлари кескин қисқарган корхоналар сони:<br>- 1 май ҳолатида:<br>- 1 июль ҳолатида:<br>- 1 август ҳолатида:<br>**- 1 сентябрь ҳолатида:** | 118 минг<br>69,7 минг<br>55 минг<br>**38 минг** |
| 2. | Карантин давридан бошлаб ажратилган револьвер кредитлар | **14,5** трлн. сўм |
| 3. | Тўлов муддати 1 октябрга қадар узайтирилган кредитлар ҳажми | **26,5** трлн. сўм |

# Муаммоли кредитлар динамикаси

| Кўрсаткич | 01.01.2020 ҳолатига | 01.09.2020 ҳолатига |
|---|---|---|
| Муаммоли кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши | **1,5%** | **2,4%** |



# Миллий валюта алмашув курси

*(АҚШ долларига нисбатан сўмда)*



# Реал ва номинал самарали алмашув курслари индекси



# 2020 йил охирига қадар инфляцияга таъсир этувчи омиллар

## Пасайтирувчи омиллар:

- Тартибга солинадиган нархларнинг ўзгаришсиз сақланиб қолиниши (*энергия ресурслари ва коммунал хизматлар, жамоат транспорти ва бошқалар);*
- Аксарият муҳим бўлмаган ноозиқ-овқат маҳсулотларига талаб паст даражада сақланиб қолиниши;
- Манфий ЯИМ тафовутининг йил сўнгигача сақланиб қолиши*;*
- Аҳоли даромадларида ўсиш кутилмаётганлиги ва харажатларининг оптималлаштирилиши тартибли амалга оширилиши;
- 2019 йилги тартибга солинадиган нархлар таъсири тугаб бориши

  *- IV чоракда буғдой уни ва нон маҳсулотлари нархлари –* ***0,9 ф.б.***